

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ, ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДАГИ РОЛИ

А. А. Туляганов

Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва хуқуқ институти директорининг  
ўринбосари, доцент

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола Ўзбекистон Конституцияси: яратилиш тарихи, тараққиётга эришишдаги аҳамияти ва янги Ўзбекистонни барпо этишдаги роли илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон Конституцияси, қонун, хуқуқ, модда, тарих.

*Тўла ишонч билан айтиши мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимиз сиёсий-хуқуқий тафаккурининг юксак намунасидир.*

*У ҳеч кимга қарам бўлмасдан, эркин ва озод, тинч ва осойишта, фаровон яшашининг қонуний кафолати бўлиб келмоқда. Бозор муносабатларига асосланган хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиши борасида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.*

**Ш.М.Мирзиёев**

### КИРИШ

Давлатлар ва хуқуқий тизимлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир биз тасаввур этадиган конституцияларнинг пайдо бўлганига ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Баъзи манбаларда дастлабки конституция сифатида 1787 йили Филадельфияда қабул қилинган **АҚШ Конституцияси** тилга олинади. Аслида ундан олдин қабул қилинган конституциялар ҳам бор. Бу дунёдаги энг кичик анклав давлатлардан бири – **Сан-Марино** (ҳамма томондан Италия худуди билан ўралган) Республикасининг 1600 йилда қабул қилинган асосий қонунидир.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Конституциянинг ибтидоси аслида қадимги **Греция** хуқуқий хужжатлари бўлса ажаб эмас. Бундан қарийб тўрт

минг йил аввал қадимги Бобилда яратилган Хаммурапи қонунларида ҳам конституцияга хос кўпгина жихатлар ўз аксини топган. Шарқ мамлакатларида эса диний таълимот, хусусан, ислом дини кўрсатмалари, шариат қоидалари конституция вазифасини ҳам бажариб келган. Бундан ташқари, улуғ аждодимиз Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим») асарида давлат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар қандай бўлиши лозимлиги теран ёритилган. Айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг «Тузуклар»и бу борада бебаҳо сиёсий, ҳуқуқий, маърифий қўлланма бўлиб, ундаги кўпгина ғоялар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

“Конституция” атамаси Қадимги Греция ва Римдаёқ маълум бўлган (масалан, Грецияда, хусусан Спартадаги асосий бошқарув қонунлари мажмуи, Римда император Конституцияси деб аталган қонун) бўлсада, Амир Темур “Тузуклар”и Шарқ ва Осиё мамлакатлари цивилизациясига хос алоҳида шаклдаги (диспозитив нормалар билан бир қаторда императив нормалар ҳам акс этган) конституциявий ҳужжат хусусиятига эга бўлган. У шариат қонунлари билан бир қаторда Марказий Осиё минтақаси халқлари тақдирига кучли таъсир ўтказган. Ўша даврдаги энг илгор ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлганлиги ҳам эътиборга лойик.

**Қизиги шундаки, дунё мамлакатлари орасида конституцияга эга бўлмаганлари ҳам учрайди.** Буюк Британия, Янги Зеландия ва яна бир неча давлатлар конституциявий қонунлар ёки қонунчилик ривожланган демократик давлатлар бўлсада, Конституция деб номланувчи яхлит ҳуқуқий ҳужжатга эга эмаслиги билан дунё мамлакатлари ичida яққол ажralиб туради. Буюк Британияда конституциявий ҳуқуқлар парламент қабул қиласидиган қонунларда ўз аксини топади. Бу ерда 1689 йилдаёқ «Хабеас корпус акти» қабул қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясининг яратилиши тарихи ҳам жуда эътиборли ходисалар ҳамда жараёнларга бой. **Конституция (лотинча “Constitution” – тузилиш, тузук) – давлатнинг Асосий қонуни.** У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, суд тизимини ҳамда давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши ҳалқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканлигини хеч ким инкор этмайди.

Авваламбор, давлатимизнинг конституциявий “бино”сини қуришда уч минг йилликдан зиёд миллий давлатчилик тажрибасига таянилган. Бугунги янги Ўзбекистон ўзида қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, Бақтрия, Қораҳонийлар, Хоразмшохлар, Амир Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари, миллий руҳдаги тарихий анъаналарни мужассам этган.

Асосий Қонунимиз Шарқий ва Ғарбий цивилизацияларни ўз ичига олган жаҳон конституциявий тажрибалари, 100 дан ортиқ мамлакатлар тўплаган илфор конституциявий тажрибани ҳисобга олган ҳолда яратилган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-хуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлигининг кафолатидир.

Шу билан бирга, Асосий Қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илфор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон хуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро хужжатларга асосланган инсон хуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган.

Конституциянинг қабул қилиниши ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ хуқуқий тизимни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти Конституция нормаларига мувофиқ 700 га яқин қонунларни қабул қилди, 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилди ва шу тариқа Асосий Қонунимизни амалга оширишнинг яхлит хуқуқий механизми яратилди. Унинг самарадорлигини вақт ўзи кўрсатиб турибди ва бу бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

**Академик А.Х.Саидов таъкидлаганлариdek, Асосий Қонунимизга нисбатан бундай юксак ва холис баҳолар берилиши бежиз эмас. Буни, жумладан қуйидаги сабаблар билан изохлаш мумкин:**

**Биринчидан,** бизнинг Конституция ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган хужжатдир.

**Иккинчидан,** бизнинг Конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсиdir давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўrona кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илфор хорижий конституциявий тажрибаларни ўргандик ва эътиборга олдик.

Натижада эндиликда Бош Қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тарақкий топган давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

**Учинчидан,** Конституциянинг гоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган. Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқарashi тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, Бош қонунимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакат тараққиётини, қонун устуворлигини, инсонларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳар бир мамлакат учун долзарб аҳамиятга эга масалалар ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришишда Конституция дарҳақиқат ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Конституциянинг мамлакат ҳаётидаги аҳамиятига тўхталар эканмиз, аввало, унинг моҳиятини англаб етишимиз зарур. Конституция ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизимида катта аҳамиятга эга бўлиб, олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Муайян мамлакат ҳуқуқ тизимидағи хеч бир қонун ҳужжати нормаси Конституцияда белгилаб қўйилган нормаларга зид келиши мумкин эмас.

Конституцияда давлат тузилиши, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ваколатлари, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва мажбуриятлари, жамият ва шахс, шунингдек давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларга доир энг муҳим жиҳатлар қатъий белгилаб қўйилади.

Мамлакатимиз давлати ва ҳуқуқи тарихига мурожаат қиласдан бўлсак, конституцияга ҳос бўлган жиҳатларни ўзида мужассам этган илк китобларнинг вужудга келиши узоқ ўтмишга бориб тақалишига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асарида давлат бошқаруви, ҳокимиятнинг бўлиниши, ижро ҳокимиятини шакллантириш, амалдорларни вазифасига тайинлаб, вазифасидан озод қилиш, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, солик ва молия тизимини шакллантириш билан боғлиқ кўплаб жиҳатлар ёритилган. Номзодлик дисертацияси билан боғлиқ илмий изланмаларимизда мазкур масалаларга 1995-1997 йилларда катта эътибор берганмиз.

Мустақил Ўзбекистон конституциясининг яратилишида шу каби тарихий асарлар, шунингдек, 100 дан ортиқ давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилган ҳамда мамлакатимиз тараққиёти учун аҳамиятли бўлган жиҳатлар инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратиш борасидаги энг муҳим қадамлардан бири 1990 йил 21 июн куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар ва мутахассислардан иборат 64 нафар аъзодан иборат Конституциявий комиссиянинг тузилиши бўлган.

Бу ўринда мазкур кенгаш таркибида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев ҳам бўлганлиги ҳамда қомусимизнинг яратилиши ишларига жуда катта ҳисса қўшганлиги алоҳида эътиборга лойик. Ушбу комиссия томонидан 2 йилдан кўпроқ вақт давомида олиб борилган меҳнат натижасида мамлакатимиз Конституцияси лойиҳаси тайёрланган.

Конституциянинг биринчи лойиҳаси 1992 йил 26 сентабр куни матбуотда чоп этилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Тарихий маълумотларга диққат қиласиган бўлсақ, Конституциявий комиссияга қомусимиз лойиҳаси юзасидан турли хил фикрлар билдирилган 600 га яқин хат келиб тушган. Бунда мамлакатимиз фуқаролари томонидан билдирилган фикрлар 5000 мингдан ортиқни ташкил этган.

Фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда Конституция лойиҳаси тўлдирилган ва 1992 йил 21 ноябрда иккинчи марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. 1992 йил 8 декабрда эса қабул қилинган.

Маълумки Конституция мамлакатимиз тарихидаги энг оғир даврда қабул қилинган. Умуман илк мустақиллик йиллари сиёсий барқарорликка турли таҳдидларнинг мавжудлиги, Наманган, Тошкент каби вилоятларда этник можаролар чиқариш учун турли ҳаракатларнинг амалга оширилиши, иқтисодий қийинчиликлар, жумладан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий муаммоларнинг юзага келиши даври ҳисобланади.

Бундай таҳликали даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон манфаатларини энг олий қадрият деб биладиган, барча ўзига муносиб тарзда, фаровон ҳаёт кечира оладиган, тинчлик ва тотувлик таъминланган давлат барпо этиш йўлида қабул қилинган.

Мамлакатимиз конституцияси инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида кўриб, демократия тамойилларини ўзида мужассам этган ва юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг фаровон ҳаёт кечиришини, қонун устуворлигини, барчанинг қонун олдида

тенглигини таъминлашга қаратилган тарихий ҳужжат ҳисобланади.

## МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Асосий қомусимиз мамлакатимизнинг хозирги кунгача босиб ўтган тарихий йўлида катта аҳамият касб этди. Буни қуидаги йўналишларда кўришимиз мумкин.

**Биринчидан,** Конституция Ўзбекистон Республикасининг суверен демократик давлат эканлигини қонунан мустаҳкамлаб қўйди. Хусусан, 1-моддада «Ўзбекистон - суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англаради», - дейилган.

«Ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан аввалги конституциялардан принципial равишда фарқ қилувчи Ўзбекистон Конституцияси биринчи моддасидан тортиб, то охирги – 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан сугорилди. Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуqlари соҳасидаги ютуқларига, демократик қадриятларга таянилгани ҳам Конституциямизнинг хусусияти саналади».

**Иккинчидан,** қомусимиз ҳокимиятнинг ягона манбаи ҳалқ эканлигини, ҳар бир фуқаро мамлакат ҳаётига доир энг муҳим масалалар борасида қарор қабул қилиш жараёнида референдумлар орқали иштироқ этиши ва ўз фуқаролик позициясини билдириши мумкин эканлигини қонуний қафолатларини яратди. Таъкидлаб ўтиш зарурки, мазкур жиҳатлар демократиянинг энг муҳим, бошқача қилиб айтганда бирламчи тамойиллари ҳисобланади.

**Учинчидан,** мустақиллик давригача бўлган даврда амалда бўлган қонун ҳужжатларидан тубдан фарқ қилган ҳолда, Конституцияда иқтисодий ҳуқуклар, хусусан, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш каби ҳуқукларига жиддий эътибор қаратилди.

Бу ўринда мулк ҳуқуқини таъминлаш борасидаги нормаларнинг қомусда ўз аксини топиши мамлакатимизда бозор иқтисодиётини ривожлантириш борасида улкан қадам бўлди.

Илк мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси марказлашган режали иқтисодиётдан воз кечиб, бозор иқтисодиётига ўтар экан, унинг қонуний асосларини мустахкамлаш долзарб вазифага айланди.

Бунда аввало мулк ҳуқуқини мустахкамлаш зарурати туғилди. Чунки бозор иқтисодиёти шахсий мулкка

даҳлсизлигига асосланади. Бу борада ҳам Конституциянинг аҳамияти бекиёсdir.

**Тўртинчидан,** барча фуқароларнинг миллати ирқи, жинси, дини, тили, ижтимоий келиб чиқишидан қатий назар қонун олдида тенглиги кафолатланди. Ривожланган давлатларнинг тараққиёт йўлига дикқат қиласиган бўлсак ривожланишнинг ҳуқуқий асосида тенглик ва адолатнинг таъминланганлиги ётади. Бу ўринда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги демократик ривожланишнинг асоси ҳисобланади.

«Конституциямизда инсон манфаатлари устун қўйилган. Асосий қонунимизни синчиклаб ўрганган ҳар бир шахс бевосита гувоҳи бўладики, унинг бутун мазмун-моҳияти инсонга хизмат қилишга йўғрилган. Конституциямизнинг бирон бир жойида «давлатнинг ҳуқуқи» ёки «фуқаролар давлат ҳохиш-иродасини бажариши шарт» қабилидаги қоидалар учрамайди. Аксинча, Асосий қонунимизда «Давлат халқ иродасини ифода етиб, унинг манфаатларига хизмат қиласи. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва еркинликларини таъминлайди» каби давлатнинг мажбуриятларини учратамиз».

**Бешинчидан,** Конституцияд ривожланган фуқоролик жамиятини барпо этиш учун энг муҳим жиҳатлардан бири бўлган ҳар бир инсоннинг яшаш, еркинлик, шахсий даҳлсизлик, фикрлаш, сўз, эътиқод ва виждан эркинлиги қаби ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди.

Бу ўринда мазкур ҳуқуқларнинг қомусда белгилаб қўйилиши жамият ҳаётида ушбу тушунчаларнинг аҳамиятини янада оширади.

**Олтинчидан,** давлатимиз ҳуқуқий тизимида хеч бир норматив-ҳуқуқий хужжат ёки унинг алоҳида нормаси Конституцияга зид келиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Жумладан, 16-моддада **«Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий хужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас»**, - деб айтиб ўтилган. Мазкур норманинг ҳуқуқий демократик давлат қуришдаги аҳамияти бекиёсdir. Чунки бу конституцион норма натижасида бир томондан ҳуқуқда турли зиддиятларнинг вужудга келишининг олди олинса, бошқа томондан коллизиялар вужудга келган тақдирда уни бартараф этиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқка хизмат қилиши керак» деган асосий тамойилга таянган ҳолда одамларнинг дардини

эшитиш, улар билан очик мuloқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш тамойили асосида халқ билан мuloқотнинг янгича тизими жорий этилди. Давлатимиз раҳбари ташабbusи билан ташкил этилган Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари хусусида ҳам ана шундай фикр билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ўтган қисқа даврда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди. Ҳозирда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташабbusи Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кенг қўламли ва улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ушбу стратегияни амалга оширишда Бош Қомусимиз ҳам улкан аҳамият касб этади, сабаби Янги Ўзбекистон стратегиясининг барча етти йўналишининг амалиётга жорий этилиши қомусимиз билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, мазкур стратегиянинг иккинчи йўналиши адолат ва қонун устуворлиги таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу жиҳат халқчил давлат қуриш ва инсон қадр-қимматини таъминлашнинг енг асосий ва зарур шарти сифатида айтиб ўтилган. Қонун эса аввало Конституция демакдир.

Эътиборингизни тортмоқчи бўлган яна бир хусусият бу мамлакатимиз конституциясига киритилган тзлдиришлар ҳамда ўзгартиришлар хронологиясидир.

Конституция билан давлат ва жамият ривожланишининг демократик тамойиллари белгилаб қўйилган. Республикада рўй бераётган демократик ўзгаришлар давомида Конституцияга ҳам ўзгаришлар киритиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳозирги қунга қадар 14 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган:

**1993 йил 28 декабрда** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 77-моддаси 1-қисмидаги “150 нафар депутатдан” деган сўзлар “депутатлардан” деган сўз билан алмаштирилди;

**2002 йил 27 январда** ўtkazilgan умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунига мувофиқ, Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган;

**2007 йил 11 апрелдаги** Қонун билан Конституциянинг 89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган;

**2008 йил 25 декабря** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 77-моддаси биринчи қисмига ўзгартиш киритилган;



**2011 йил 18 апрелда** қабул қилинган Қонун билан Конституциясининг 78, 80, 93, 96, 98-моддалариға ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

**2011 йил 12 декабрда** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 90-моддаси иккинчи қисмига тузатиш киритилган;

**2014 йил 16 апрелда** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 32, 78, 93, 98, 103, 117-моддалариға ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

**2017 йил 6 апрелда** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддалариға ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

**2017 йил 31 майда** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 80, 93, 108, 109-моддалариға ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

**2017 йил 29 августда** қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 99, 102-моддалариға ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

**2018 йил 15 октябрда** қабул қилинган Қонун билан 105-модданинг биринчи қисмидаги “икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) унинг маслаҳатчиларини” деган сўзлар “раисни (оқсоқолни)” деган сўзлар билан алмаштирилган;

**2019 йил 18 февралда** қабул қилинган Қонун билан 80, 93-моддалариға ўзгартириш киритилиб, Миллий хавфсизлик хизмати Давлат хавфсизлик хизмати деб юритила бошланди;

**2019 йил 5 марта** қабул қилинган Қонунга асосан 79, 93, 98-моддаларга ўзгартиришлар киритилган;

**2019 йил 4 сентябрда** қабул қилинган Қонунга асосан сайлов тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан 96, 117-моддаларга ўзгартиришлар киритилган.

**2021 йилнинг 8 февралида** қабул қилинган Қонунга асосан Конституциямизнинг 7, 33, 85, 86, 93, 98, 100, 107 ва 117-моддалариға ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилди.

Мазкур жараён ҳам Ўзбекистон Республикаси миллий давлат ва хуқуқ тарихи, хусусан Конституциявий тизимнинг жамиятимизда мунтазам ривожланиб бораётганлигидан далолатdir.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, хозирги даврда олдимизга қўйиган улкан мэрраларга эришиш, жумладан, мамлакатимизда давлат бошқаруви самарадорлигини кучайтириш, Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг хуқуқ, эркинлик ва манфаатларини қонуний кафолатлари билан боғлиқ муҳофазани кучайтириш,

бошқарув жараёни шаффоғлигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш ва бу орқали адолатни қарор топтиришда жамият ҳётининг барча жабҳаларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик эга норматив-хуқуқий ҳужжат сифатида юқорида илгари сурилган вазифаларни амалга оширишда асос ва дастурламал бўлиб ҳизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган, унда жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатлик барқарорлиги учун мустаҳкам замин мавжуддир. Асосий қонунимиз мамлакатимизда инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ва ривожлантириш, жамият ҳётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ва модернизация қилиш ҳамда “кучли давлатдан -- кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга тадбиқ этишда мустаҳкам хуқуқий асос сифатида ҳизмат қилмоқда.

Бундан 29 йил аввал яъни, 1992 йил 8 декабрда мамлакатимизнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниб, мустақил ва суверен Ўзбекистон Республикасини барпо этишининг мустаҳкам хуқуқий асоси яратилган эди. Инсон хуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва ҳалқаро хуқуқнинг бошқа асосий ҳужжатларига мос бўлган, шунингдек ўзбек давлатчилиги ривожининг бой тарихий тажрибасига таянган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юртимизда инсон хуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият эканлигини, фуқароларнинг эрки, хуқуқ ва манфаатлари давлат манфаатларидан устунлигини қонуний мустаҳкамлади.

Мустақиллик Қомуси номини олган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - республикамиизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг мустаҳкам хуқуқий асоси бўлиб, мамлакатимиз демократик тараққиётини изчиллик билан таъминлаб келмоқда, шунингдек, юртимизда демократик хуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий тамойилларини белгилаб беради. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига асосан, “Ҳалқ давлат хокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат хокимияти ҳалқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул

қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади” деб белгиланган.

Конституция - тарихий аҳамияти беқиёс бўлган хужжатдир. Унда тарихийлик замонавийлик билан уйғунлашиб, жаҳоннинг ижтимоий, сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий тафаккури соҳасида эришилган барча ютуқлар мужассамлашган. Бош қомусимиз мазмунан ва моҳиятан демократик рух билан сугорилган бўлиб, унда демократия тамойиллари устувор бўлган адолатли жамият барпо этиш кўзда тутилган мустаҳкам ҳуқуқий пойдевордир. Конституциямиз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қиласеради.

## REFERENCES

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Тошкент, 2017 йил, 7 декабрь.
2. Сайдов А.Х. Янги Ўзбекистон ва барқарор конституциявий ривожланиш. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 26 ноябрь сони.
3. Туляганов А.А. Амир Темурнинг давлатни бошқариш тўғрисидаги ғоялари (Темур тузуклари асосида). Т.1997 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси